УДК: 811.512.133

ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИ ВА НУТҚИЙ ФАОЛИЯТ

Ш.Ҳ. Алпанова

Мақолада инсоннинг оламни англаш, идрок этиш ва қабул қилиш салоҳияти ҳақида сўз юритилган. Тил фаоллиги социал ҳодиса сифатида индивидга таъсирида намоён бўлиши ва тилнинг ижтимоийлиги шахс нутқида реаллашиши тадқиқ доирасига тортилган. Нутқий фаолиятда социаллик ва индивидуаллик диалектикаси тушунчаси таҳлил этилган. Шунингдек, мулоқот жараёнида юзага чиқадиган прагматик маънолар, уларнинг лингвокультурологик, психолингвистик, гендер хусусиятлари ёритилган ва уларнинг психосемантик таҳлили берилган.

Калит сўзлар: *антропоцентризм, коммуникация,интерпретатция, прагматика, интенция, тафаккур, идрок, социаллик, индивидуаллик.*

В статье идёт речь о возможностях человека в понимании, постижении и принятии мира. Исследованию подвергнуто проявление языковой деятельности как социального явления в её влиянии на индивида, реализации социолизации языка в речи личности. Проведён анализ диалектики социальности и индивидуальности. Идёт речь о лингвокультурологических, психолингвистических, гендерных особенностях, о прагматических значениях, проявляющихся в процессе общения, и их психосемантическом анализе.

Ключевые слова: *антропоцентризм, коммуникация, интерпретатция, прагматика, интенция, мышление, восприятие, социальность, индивидуальность.*

Нутқий фаолият жараён сифатида қадимдан файласуфларнинг тадқиқот объектига айланган. Қадимги Миср обидаларида қайд этилган “Тил юракдаги фикрни такрорлайди” иборасини тилнинг руҳият билан чамбарчас боғлиқлиги ва унинг маҳсули сифатида нутқда реаллашиши ҳақидаги илк таъриф дейиш мумкин. Кейинчалик бу фикрлар антик давр файласуфлари томонидан ривожлантирилди. Улар тил ва нутқни фарқлаб, нутқни сўзлаш жараёни тарзида баҳоладилар. Жумладан, эрамиздан аввал V асрда яшаган грек файласуфи Демокрит тил белги сифатида мулоқот учун хизмат қилади ва воқеликни акс эттиради деган ғояни илгари суради. Платон эса ушбу ғояни ривожлантириб, нутқни инсон онгида яратиладиган фаолият дея баҳолади. Буюк файласуф Аристотель ҳам нутқнинг коммуникатив характерда эканлигини эътироф этган ҳолда оғзаки ва ёзма нутқни фарқлади. “Товушлар қўшилмасида ифодаланган нутқ қалбдаги тасаввурлар белгиси, ёзувдаги ифода товушларнинг белгисидир” [1. Б. 90]. “Риторика” асарида қайд этилишича, нутқни ташкил этувчи учта тушунча мавжуд: “этос”, “логос”, “пафос”. Этос – инсоннинг ахлоқи билан боғлиқ этик позицияни, логос – суҳбатдошга бевосита таъсир ўтказувчи маънони, пафос – мулоқот мақсади ва вазиятига мос келадиган ифода шаклини англатади. Нотиқнинг нутқи мана шу уч таркибий қисмдан ташкил топмоғи шарт деб ҳисоблайди Аристотель [1. Б. 93]. Шарқда ҳам тил ва нутққа нотиқликнинг бевосита асоси сифатида қаралган, ушбу асос эса нутқ соҳибининг ахлоқий, маънавий-маърифий етуклиги билан узвий боғлиқлиги таъкидланган. Жумладан, Форобий “қувваи нотиқа”ни инсон фозиллигининг муҳим белгиларидан бири ҳисобласа, Ҳусайн Воиз Кошифий нутқда сўзнинг ўрни, сўз танлашда воизнинг диди, назокати, тингловчининг умумий савиясини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлайди. Амир Темур ҳам нутқий ифоданинг аниқлиги ва ростлигини юксак қадрлаган. Алишер Навоий нутқий фаолиятни инсонни ҳайвондан ажратган буюк неъмат сифатида баҳолайди. З.М.Бобур фарзандларига нутқнинг

содда, равон, аниқ бўлиши муваффақиятнинг гарови эканлигини уқтиради ва ҳар бир сўзга заргар каби ёндашади. Шу каби фикрлар тилимиз фидойилари бўлган М.Беҳбудий, А.Фитрат, А.Чўлпон, А.Авлонийнинг қатор мақолаларида ҳам ўз аксини топган.

Тил белгиларнинг мураккаб тизими сифатида шахснинг интеллектуал фаолияти, идроки, хотираси, тафаккури ўртасида воситачидир. Бу тизимга кирган белгилар реал оламдаги нарса ва ҳодисаларни чекланмаган ҳолатда ифодалай олади. Барча тил белгилари бирлашиб, шу тил эгалари яшайдиган ва нималарнидир яратадиган алоҳида умумий манзарани ҳосил қилади. Айнан мана шу сабабга кўра инсонларнинг турмуш тарзи, ижтимоий ҳолати ранг-баранг бўлади ва бир-бирларидан ўзаро фарқланади [2. Б. 38]. Тил ва нутқ бирликлари белги сифатида маъно, тушунча, фикр ифодалайди. Шу боис Ф.Соссюр тилни фикр ифода этувчи белгилар системаси дея таърифлайди. Тилнинг белги табиатига эга эканлиги информация узатиш ва информацияни қабул қилиш қобилиятида яққол кўринади. Демак, тилнинг таркибини ташкил қилувчи структурал элементлар ижтимоий вазифа бажарувчи белгилар системасидир. Инсоннинг оламни англаш, идрок этиш ва қабул қилиш салоҳияти беқиёс. Шунинг учун ташқи олам унинг ички оламига бемалол жо бўлади. Аммо ҳар бир ҳодиса шу инсоннинг онг ва қалб призмасидан қандай ўтади ва қайта аксланиш қай тарзда содир бўлишини ҳеч ким, ҳеч қачон айта олмайди. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, инсоннинг ички олами ташқи оламдан кўра кенгроқ, ранг-барангроқ дейишга тўла ҳақлимиз. Инсон ҳақида гап кетганда, “инсон олами”, “инсоннинг ички дунёси” каби атамалар бежиз қўлланмайди. Зотан, ҳар бир инсон алоҳида бир олам ва унинг маънавияти, ахлоқий даражаси, феъл-атвори ва хатти-ҳаракати бевосита ана шу ички дунё қиёфаси, ички олам кўриниши орқали баҳоланади. Инсоннинг маънавий олами эса ўзини ақл-заковат, тафаккур, ирода ва энг асосийси, кўп асрлардан бери тилшунослар, тиббиётчилар, руҳшунослар, файласуфларнинг тадқиқот манбаига айланган ўзаро нутқий муносабатлар орқали намоён этади.

Умумий ва назарий тилшуносликнинг шаклланишига асос солган В.Гумбольдт лингвистик концепциясининг энг муҳим жиҳати – нутқий фаолиятда социаллик ва индивидуаллик диалектикаси тушунчасини тилшунослик фанига олиб кирганидир. Олим ҳар бир тилда тил эгаларининг дунёқараши акс этиши, тилларнинг хилма-хиллиги фақат товушларнинг турлича эканлигида эмас, балки ҳар бир миллатдаги дунёни кўришнинг фарқлилиги натижаси эканини айтади. “Тилларнинг структур фарқланиши ва унинг кишиларнинг руҳий оламига таъсири” [2. Б. 30]. номли мақоласи психолингвистик қарашларнинг илк назарий манбаси сифатида тан олинади. В.Гумбольдт лингвистик қарашларининг фалсафий асослари сифатида немис файласуфлари И.Кант ва Г.Гегель фалсафасини кўрсатиш мумкин. Хусусан, И.Кантнинг “Антропология прагматик нуқтаи назаридан” [3. Б. 10] асарида коммуникация жараёнида коммуникантлар ўртасидаги ахборот узатиш ва қабул қилиш зиддиятли характерда эканлиги таъкидланади. Файласуфнинг бу хулосасига таянган В.Гумбольдт коммуникантлар ўртасидаги тушуниш ва тушунмаслик антиномияси тўғрисидаги ғояни илгари сурди. Тил, Гумбольдт назарида, – инсон ва жамиятни боғлаб турувчи восита. Тил табиатига кўра ижтимоий бўлиб, у нутқий фаолиятда тил материяси учун ташкиллаштирувчи манбадир. Тил материяси бир томондан товушлар йиғиндиси, иккинчи томондан ички кечинмалар, ҳиссий таассуротлар йиғиндисир. Униси ҳам, буниси ҳам индивидуал ҳодиса. Тил шунинг учун ҳам ўзига хос моҳият касб этадики, ўзининг маъносини доимо тафаккурдан ўтиш актидагина сақлаб қолади, аммо бус-бутунича тафаккурдан ҳолидир [4. Б. 7] “...Тил расолашган сари тафаккур, тафаккур расолашган сари тил расолик касб этиб боради” [5. Б. 4]. Тафаккурнинг репрезентацияси тил ҳисобланади. Онг амалда тил формасида мавжуд. Шу билан бирга тил ва тафаккур мураккаб қарама-қаршиликларга бой бўлган диалектик бирликдир. Тил фонетика, грамматика қонунлари асосида ташкил топган материал ҳодиса бўлса, тафаккур объектив борлиқнинг инсон миясида акс этишининг олий формаси сифатида идеал ҳодисадир.

Тил шакли ўзига хослигини тил материясининг ҳосил бўлиш жараёнида намоён этади. Тил бир томондан барқарорлик, иккинчи томондан ўзгарувчанлик белгисига эга. Тил фаоллиги ижтимоий ҳодиса сифатида индивидга таъсирида намоён бўлади. Ўз-ўзидан тилнинг ижтимоийлиги ҳам индивид нутқида фаоллашади, реаллашади. Бундай илмий қарашлар тилшунослик тарихида тил ва нутқни бир-биридан ажратишга замин яратди. Гумбольдт турли инсонлар тилидаги ўхшашликни товуш бирлиги ва руҳий маъно бирлигидан излаган. У товуш бирлигини ирсият билан боғлаб, руҳий бирликни эса жамият бирлиги ижтимоий фактор билан изоҳлайди. Шундай фикрни Гумбольдтдан 900 йил олдин "иккинчи муаллим" номи билан машҳур бўлган Абу Наср Форобий ҳам билдирган эди: "Ҳар қандай билиш даставвал ўзини қуршаб турган оламдаги нарса ва ҳодисаларни кузатишдан бошланади. Чунки тафаккур фаолияти билан ҳосил қилинган моҳият ўзининг табиий асосидан олдин бўлиши мумкин эмас. Билишдан мақсад ҳақиқатга эришмоқдир" [6. Б. 3]. Билиш – воқеликнинг инсон тафаккурида акс этиш ва такрор ҳосил бўлиш жараёни. Билишнинг мақсади объектив ҳақиқатга эришишдир. Билиш жараёнида кишилар реал ҳодисалар ҳақида билимлар тушунчалар орттирадилар, оламни англайдилар ва энг муҳими бу билимлардан амалий фаолиятда ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланадилар. Сезги органларимиз орқали биз нарсаларнинг хоссасини, хусусиятларини ҳис қиламиз, ақлий билиш туфайли биз уларнинг моддий асосини, моҳиятини биламиз. Онг фақат объектив оламнинг инъикосини эмас, балки инсоннинг ўз руҳий фаолиятини англашини ҳам ўз ичига олади. Онг воқеликнинг ҳам ақлий, ҳам ҳиссий инъикосини қамраб олади. Шунингдек, у инсон ҳиссиётларини, иродасини ҳам ўз ичига олади. Шунга уйғун фикрни Н.Маҳмудов қуйидагича ифодалайди: "Олам бениҳоя мураккаб, муҳташам ва айни пайтда мунтазам воқеликдир, инсон боласи ибтидоий сезги органлари ва интиҳо билмас ақлий заковати билан бу мураккабликнинг таркибини аниқлашга, бу муҳташамликнинг ҳашамларини идрок этишга, бу мунтазамлик асосидаги мавжуд интизомни инкишоф қилишга тинимсиз уриниш машаққатидан ҳузур қилиб яшайди" [7. Б. 3]. Шунинг натижасида ҳар биримизнинг онгимизда ўзимизга хос олам манзараси ва уни ифодалашга қодир бўлган ўзимизга мос тил бойлигимиз бор. Ва бу буюк неъматнинг нимага сарфланиши ҳар бир инсоннинг билими, иқтидори, тарбияси ва маданиятига боғлиқ. "Форобий бугунги тил фалсафаси учун ғоят муҳим тушунчаларга (константа-акциденция, зот-тазоҳир, умумийлик-хусусийлик; фаҳмий (ҳиссий) билиш-идрокий билиш), асос солган улуғ файласуф бўлиш билан бирга тилшуносликнинг умумий масалаларини ёритиб берган улкан тилшунос олим ҳамдир" [8.Б.13]. Лисоний ва мантиқий фаолиятлар ўзаро қўшилиб, ягона нутқий тафаккур фаолиятини ташкил этади. Демак, нутқий бирликларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг тушунилиши ақлий фаолият натижасидир. Тафаккур воқелик ҳақидаги ахборотни қабул қилиш, тўплаш, қайта ишлаш ва тартибга солиш усулидир деган хулосага келади Ш.Сафаров ўзининг "Когнитив тилшунослик" рисоласида. Шу каби фикрни буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг тил ва нутқ борасидаги қайдларида ҳам учратамиз. Алишер Навоий фикрларига эътибор берилса, унинг В.Гумбольдт ва Ф.де Соссюрлардан анча олдин тил ва нутқ ҳодисаларини бир-биридан фарқлаганининг гувоҳи бўламиз. Алишер Навоий имконият тарзидаги сўзни (тил бирлиги), соҳиби ихтисос (сўзловчи) томонидан турли жилвалантирилиши (нутқ бирлиги) мумкинлигини баён қилади. Бизнингча, психолингвистиканинг негизини ҳам айни шу фикрлардан излаш тўғри бўлади. "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида таъкидланишича, сўз гўё дурдур. Дурнинг жойлашиш ўрни денгиз туби бўлса, сўзнинг жойланиш ўрни кўнгулдир (хотирадир). Дур ғаввос ёрдамида денгиз тубидан ташқарига чиқарилиб, жилвалантирилса ва ғаввоснинг қиймати жавҳарни жилвалантира олиш қобилиятига қараб белгиланса, сўз соҳиби ихтисос томонидан кўнгилдан ташқарига олиб чиқилади ва нотиқнинг қиймати сўз қўллаш маҳоратига уни жилвалантириш қобилиятига қараб белгиланади. Денгиз қаърида ҳаракатсиз имконият тарзида турган дурлар ғаввос ёрда-

мида ҳаракатга келтирилса, кўнгил тубидаги имконият тарзидаги сўзлар ҳам сўзловчи томонидан нутқ жараёнида ўз жилвасини топади [8. Б. 80]. Ушбу илмий қарашларни XXI аср тилшуносларининг тадқиқот объектига айланган нутқнинг яратилиши ва унда субъектнинг ўрни, сўзловчи ва тингловчининг оламни англашдаги ўзига хос жиҳатларини уларнинг нутқига таъсири, коммуникантлар руҳиятининг нутқда акс этиши, нутқнинг яратилиши ва идрок этилиши каби долзарб масалаларнинг негизи дейиш мумкин. Чунки Шарқда лисоний умумийлик ва хусусийликларни фарқ қилишга интилиш фалсафа ва мантиқ фанлари пайдо бўлган кундан бошлаб мавжуд.

Психология моҳиятни, тилшунослик эса жараённи ўрганади. Бундай қараш тилшуносликда индивидуал психология деб ном олди. Агар тил фақатгина индивидуал ҳодиса бўлса халқ тили, миллат тили деган тушунчаларни қандай тушунмоқ керак? Бу тилда сўзлашувчиларни нима бирлаштиради? Штейнталь бу ҳодисани наслдан-наслга ўтувчи ҳолат сифатида баҳолайди. Бу концепция, албатта, янглиш эди ва Бодуен де Куртене шунинг учун ҳам Штейнтални ёлғон тушунчаларни тадқиқ қилишда айблаганди. А.Потебня сўзга қуйидагича баҳо беради: “Сўзсиз ҳеч қандай фикр алмашув, ҳеч қандай инсоният эришган билим бўлмас эди” [4. Б. 11]. А.Потебня ҳам тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигига урғу бериб, тилга психологик нуқтаи назардан ёндашади ва В.Гумбольдтнинг қарашларини ёқлайди. Олим В.Гумбольдтнинг “тушуниш-тушунмаслик” антиномиясини ривожлантирди. Мазкур ҳолатни индивидуал психология билан узвий боғлаб, бир нарсани сўзловчи ва тингловчи турлича тасаввур қилиши мумкинлигини, натижада сўзлашувчилар ўртасида предмет образи турлича намоён бўлишини таъкидлайди. А.Потебня бир қатор лисоний ҳодисаларни изоҳлашда психологизм йўлидан борди. Масалан, сўзнинг яратилишини инсонга объектив борлиқнинг таъсири дея изоҳлади. “Ёш грамматиклар” Штейнталь изидан бордилар. Улар учун тил жараён ёки жараёнлар йиғиндиси эмас, балки “психик образлар” ёки ассоциациялар йиғиндисидир. Бу ҳақда Г.Пауль шундай дейди: “Психик ҳолатлар бир қалбда индивидуал психологиянинг умумий қонуниятларига бўйсунган ҳолда рўй беради” [9. Б. 36]. Бодуэн де Куртенэ эса тилни муайян бир жамиятни ташкил этган индивидлар онгида, психикасида, индивидларнинг тили сифатида яшайди деган ғояни илгари сурди, ўз тадқиқотларида шахс нутқига асосий эътиборни қаратди.

Психология тараққиётида бурилиш даврининг бошланиши тилшуносликка ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ғарб психологлари шахс психик тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида биогенетик ва социогенетик концепцияни илгари сурдилар. Биогенетик концепция тарафдорлари инсон шахсининг тараққиёти биологик, яъни наслий фактор билан белгиланади деб ҳисоблайдилар ва инсонни “пешонасига битилгани”дан бошқани уддалай олмайдиган пассив организм сифатида талқин этадилар. Социогенетиклар одамни “ижтимоий муҳит нусхаси” деб ҳисоблаб, жамият таъсирига ортиқча баҳо бериб, бирёқлама фикр билдирадилар. Бундай қарашлар психолингвистика соҳасида ҳам турли назарияларга таянган ҳолда бўлинишларга сабаб бўлди. Жорж Миллернинг “Тил ва алоқа”, Ноэм Хомскийнинг “Синтактик структуралар” асарлари мана шундай қарашларга асос бўлди. Руҳшунос ва тилшунослар америкалик психолог Ч.Осгуднинг “Психолингвистика: назарий ва тадқиқий муаммолар ҳақида очерк” номли илмий тўпламда таклиф этган психологик концепциясини қайта кўриб чиқиб, у таклиф этган моделга танқидий ёндашдилар. Натижада психолингвистиканинг икки йўналиши пайдо бўлди. Янги йўналиш классик дескрептивизмга эмас, балки трансформацион лингвистикага асосланди. Ч.Осгуд изоҳлаб берган бихевиоризмдек эмас (яъни инсон ташқи ахборотларнинг пассив йиғувчиси эмас), балки инсон атроф-муҳитга нисбатан фаол организм сифатида талқин қилинди. Қисқача қилиб айтганда, Ч.Осгуд модели тилни яхлит ҳолда ўрганиш лозимлигини уқтирса, Миллер таклиф этган трансформацион моделда тилнинг тадқиқи дастлаб бевосита ташкил этувчиларни ўрганишдан бошланиши айтилади. Аммо трансформационизмни Ч.Осгуд психолингвистикасига қарши турган ягона ва тўла-

тўкис назария деб айтишга ҳақимиз йўқ, чунки кўп ўтмай трансформацион моделнинг ҳам бир ёқлама назария эканлиги исботланган илмий тадқиқотлар яратила бошлади.

Инсон оламни рационал билишда тафаккурга таянади. Тафаккур уч босқичдан иборат: тушунча, муҳокама, ҳукм. Дастлаб нарса ва ҳодисаларнинг мавҳум образи онгда тикланади, кейин уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари қиёсланади ва тасдиқ ёки инкор этиш йўли билан якунланади. Инсон моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий ва хусусий белгиларини ажратган ҳолда онгда акс эттириш имкониятига эга. Инсоннинг психик тараққиётида генетик омиллар билан биргаликда ижтимоий омилларнинг роли катта эканлиги исботланди. Л.Выготский, С.Рубинштейн, А.Леонтьев эса икки омилнинг ҳам ролини инкор қилмаган ҳолда ижтимоий муҳитнинг етакчи таъсири тўғрисидаги фикрни олға сурадилар ва бизнингча ҳам, бу энг мақбул позиция. Рус психологлари нутқни ҳар хил муаммоли вазиятларда тилдан ўринли фойдалана олиш аспектида, инсон хатти-ҳаракатларини программалаштиришда тилнинг ролини бошқа воситаларга нисбатан қай даражада аҳамиятли эканлиги жиҳатдан ўргандилар. Инсон ҳаёти давомида дуч келган муаммоли вазиятлар уни шахс сифатида шаклланишига ёрдам беради. Чунки бу муаммони ҳал қилиш йўлида ўйлайди, фикрлайди, таққослайди. Мана шу жараён интеллектуал акт дейилади. Ушбу акт уч қисмдан иборат: фаолиятни режалаштириш, уни амалга ошириш, ва қўлга киритилган натижани кўзланган мақсад билан солиштириб кўриш. Рус олимлари нутқий фаолиятнинг ижтимоий табиатини очишга ҳаракат қилдилар. А.А.Реформатский тилнинг муҳим хусусияти ҳақида “Тил бўлмаса, кишилар ўртасида муносабат бўлмайди. Муносабатсиз жамият ҳам йўқ, инсоният ҳам. Тилсиз тафаккур ҳам, яъни инсоннинг борлиқни ва ундаги ўзини англаши ҳам бўлиши мумкин эмас”, – деган эди [10. Б. 7]. Ушбу илмий қарашлар XX асрга келиб шакл ва мазмун, имконият ва воқелик, умумийлик ва хусусийлик диалектикаси сифатида тилга татбиқ этила бошлади.

Нутқ физиологияси, психологияси, тафаккур ва нутқ патологияси, мантиқнинг объекти бир нарса эканлиги ҳақида кўп гапирилади. Уларнинг барчаси индивидуал воқелик ёки индивидуал объектни тадқиқ этади. Аммо абстракция жараёни бу соҳаларнинг ҳар бирида турлича кечади ва шунинг натижасида ҳар бир фаннинг назарий тизими ичида турли абстракт объект яратилади. Ҳар қандай лингвистик тадқиқот кучли даражадаги абстракцияга асосланганда чинакам ҳақиқатга эришади. Ҳақиқий фан бевосита кузатиш даражасидан чиқиб, абстрактлаштириш даражасига кўтарилиши лозим [11. Б. 7]. Ҳар бир конкрет объект абстракт объект вакилидир. Алишер Навоийда ҳар қайси ўзгарувчида мавжуд бўлган умумий такрорланувчи белги жавҳар, ўзгарувчилар эса ораз дейилади. Жавҳар оразлар орқали намоён бўлади. Ҳозирги тилшунослик нуқтаи назари билан айтганда, лисоний бирликлар – фонемалар, морфемалар, лексемалар, қолиплар табиатан умумийлик бўлиб, улар нутқий ҳосилалар – товушлар, бўғин, қўшимча, сўз, сўз бирикмаси, гап, матн хусусийликларида воқеланади. Дунё тилшуносларининг фикри нутқнинг яратилиш механизмини, болалар нутқининг шаклланиш жараёнини, турли вазиятлардаги нутқни сўзловчи билан тингловчи ўртасидаги муносабатни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш, нутқнинг ахборот алмашиш функциясини ўрганиш каби масалалар психолингвистиканинг объекти деган нуқтада кесишади ва умумийлик касб этади. Демак, психолингвистиканинг тадқиқ объекти нутқий фаолият жараёни. Психолингвистика маълум бир шароитда маълум бир ахборотни нутқ бирликлари воситасида тингловчига етказишни, бу нутқ парчасида сўзловчи руҳиятидаги ўзгаришларнинг акс этишини, унинг тингловчига таъсири масалаларини ўрганади. Нутқда ахлоқ-одоб, сўзлашиш расм-русумлари, нутқнинг муайян эҳтиёжлари, сўзловчи ва тингловчининг ёши, савияси, маданият даражаси кабилар ўз аксини топади ва буларнинг барчаси психолингвистиканинг тадқиқ манбаи ҳисобланади. “Мулоқот инсон психологияси ва физиологияси билан чамбарчас боғлиқ ҳодисадир. Чунки ҳар қандай нутқ тафаккур билан, тафаккур эса руҳият билан боғлиқдир. Танани руҳ бошқариб туради. Де-

мак, руҳга таъсир этган ҳар қандай нарса танага ҳам таъсир этади. Буларнинг ҳаммаси мулоқотнинг психофизиологик аспектини ташкил этади” [12. Б. 19]. Ички ботиний нутқнинг ташқи нутқ сифатида реаллашуви қуйидаги мисолда яққол акс этган:

“Асадбек остонада туриб қолган хотинига “ишқилиб хушхабар айтсин” деган илинжда тикилди. “Тезроқ гапир!” – деди ички бир ҳайқириқ, “Йўқ, индамай турсин!” – деди бошқа бир овоз. Эр-хотиннинг бир-бирига унсиз тикилиб туриши уч-тўрт нафас давом этди. Аммо Асадбекнинг назарида сониялар соатлар каби кечди. Беихтиёр: “Гапир!” – деди. Бироқ, овозини ўзи ҳам эшитмади. Ҳатто тили ҳам музлаб қолгандай ғўдиранди. Манзурага бу овоз ғойибдан эшитилгандай бўлди. Гапиришга мадор тополмай ютинди” [13. Б. 29].

Ҳозир Асадбек онгида рўй бераётган зиддиятли ўй-хаёллар оқимидан бирорта жўялисини топиб гапиришга ожиз. Чунки гап унинг ёлғиз, суюкли жигарбанди – ўғирланган қизи ҳақида кетяпти. Ниҳоят у бор кучини йиғиб,барча саволларини битта сўзга йиғди:

“Асадбек ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди:

– Топилдими?

Манзура “ҳа” дегандай бош ирғаб, йиғлаб юборди.

–Тирикми?

Асадбек нима учун бундай деб сўраганини ўзи ҳам билмади.

– Худога шукр, тирик... – Манзура шундай деб лабини тишлади.

Шу сўз Асадбекка жонини қайтариб берди. Шарт ўрнидан туриб хотинига яқинлашди-да, уни икки елкасидан тутиб, силкиди:

– Унда нимага йиғлайсан, нимага ваҳима қиласан?

Манзура бошини эгиб, йиғлаб юборди. Асадбек, шу пайтгача хотинини чертмаган одам, тарсаки қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди.

– Гапир, деяпман!

Ўзини қўлга олиш учун Манзурага шу тарсаки кифоя эди.

– Менгина ўлай... қизингиз... айтолмайман, дадаси...

– Гапир, худди бўғиб ташлайман, – Асадбекнинг овози таҳдидли, бу шунчаки бир пўписага ўхшамас эди.

– Қизингизни бир аҳволда ташлаб кетишди...” [13. Б. 29].

Асадбек мулоқотни давом эттиролмайди. Ҳозир эшитгани ўйлашга ҳам қўрқаётган воқеанинг содир бўлганини исботлади. Бир ота каби қадди букилди, қалби вайрон бўлди ожиз қолди. Асадбек шундан қўрққан эди.Унинг хаёлий тахминларида икки жавоб бор эди: “Ўлим” ва “Номус”. Тан олишни истамаса ҳам иккинчи жавобдан кўра биринчисини қабул қилиш унга осонроқ туюларди. Умрида биринчи марта хотинига қўл кўтаришининг сабаби ҳам тахмини тўғри чиқишидан олдинги қўрқув эди. Асадбек илк бор ўз оламининг нақадар тубан ва чиркин эканлигини ич ичидан ҳис қилди.

Мулоқотнинг тўлақонли амалга ошишида иштирокчиларнинг ўзаро муносабатини (руҳиятини), мулоқот муҳитини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ахборот узатиш ёзма ёки оғзаки усулда кечади. Коммуникациянинг сифатли амалга ошиши коммуникатив шароит, когнитив ва психолингвистик омиллар, лисоний ва нолисоний факторлар билан узвий боғлиқ. Продуциент – матн – реципиент модели коммуникациядаги нутқ (матн)нинг вазифавий жиҳатларини ўрганишдаги минимал тизимдир. Бу тизим доирасида нутқий фаолиятнинг икки тури фарқланади: муаллиф (продуциент)нинг нутқ яратиш (фикрлаш) фаолияти ва ўқувчи (реципиент)нинг нутқ қабул қилиш (идрокий) фаолияти. Нутқий фаолият жараёни биринчи ҳолат учун “фикр-матн” модели асосида шаклланса, иккинчисида “матн-фикр” модели устуворлик қилади. Психолингвистикада муаллиф ўз фикрини матнда қай даражада акс эттирса, ўқувчи ҳам шунга мос равишда матнни қабул қилади деган қарашлар устуворлик қилади. Муаллифнинг индивидуал ўзига хослиги, маҳорати, руҳияти, дунёқараши, қайси миллатга мансублиги нутқ характерига таъсир қилганидек, ўқувчи ёки тингловчининг индивидуал ўзига хос жиҳатлари ҳам матннинг қабул қилинишига, идрок этилишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Психолингвистиканинг тадқиқот объекти вербал матндир. Тилшунослик тарихида тилнинг асосий ўрганиш объекти, марказий бир-

лиги сўз (вербоцентрик назария), морфема (морфоцентрик назария), гап эканлигига доир қарашлар кенг тарқалган. Ҳолбуки, уларнинг ҳаммаси матннинг яратилишида иштирок этади. Кейинги даврда матн ва унинг тадқиқи кўплаб ўзбек тилшуносларининг ҳам диққатини жалб қилаётгани қувончлидир. Профессор Ш.Сафаров нутқий фаолият маҳсули бўлган дискурсни эндиликда идрок этиш, билиш, тушуниш, таҳлил қилиш каби тушунча ва категориялар билан кенгайганлигини таъкидлайди. Нутққа кенг маънода қараш, унга инсоннинг нутқий-идрокий фаолияти натижаси сифатида муносабатда бўлиш орқали психолингвистика матн тадқиқи муаммоларини ечишда бирмунча муваффақиятларга эришди. Матн борлиқни такрорланмас ҳолда акс эттириш усули. Шу билан бирга матн асосий алоқа бирлиги, ахборот бериш ва сақлаш усули, маданият шакли, аниқ тарихий давр меваси, шахс руҳий оламининг аксидир. Маълумотни вербал шаклда етказиш матнлар орқали амалга ошади. Чунки матн маълумот етказишнинг универсал воситаси саналади. Матн кенг қамровли коммуникацияда (оммавий ахборот воситаларида) ҳам, шахслараро коммуникацияда ҳам фаол қўлланади.

Матнга мулоқот бирлиги, нутқ ҳосиласи сифатида ёндашиш психолингвистиканинг ўзига хос хусусиятидир. Алоқа жараёнида бир иштирокчи иккинчисининг ҳаракати, ҳолатини қайсидир маънода ўзгартиришга ҳаракат қилади. Яъни алоқадаги суҳбатдош вербал ёки паралингвистик восита билан жавоб беради. Ҳолатнинг ўзгариши билан субъектнинг объектга нисбатан муносабати ўзгарадики, бу ҳам баъзан хатти-ҳаракатнинг ўзгаришига олиб келади. Демак, алоқа шартлари тушунишни талаб қилади, алоқанинг асосий бирлиги бўлган нутқ аниқ таъсир кучига эга. Бу таъсир икки шарт асосида амалга ошади. Биринчидан, продуциент алоқа дастурига мос келадиган тил бирликларини танлаб олади, иккинчидан, реципиент муаллиф фикрини ўзининг нуқтаи назарига кўра қабул қилади. Нутқий алоқа муаммоларига бу тарзда ёндашув матн таҳлилининг икки йўналишини белгилаб беради. Биринчиси, матн маъносининг шаклланишини ўрганиш билан, иккинчиси, мана шу маънони реципиент томонидан қандай қабул қилиниши билан боғлиқ. Матн структурасига йўналтирилган психолингвистик тадқиқотларда матн тузилиши кўзланган фикр билан уйғун келиши таъкидланади. Матннинг шакли ва мазмуни муайян коммуникатив вазият қатнашчиси конкрет шахснинг психологик ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Матн фаолияти у яратилгандан сўнг бошланади. Идрок жараёнида шундай ҳолатни тез-тез учратамиз, тўғри тузилган, шаклан ва мазмунан уйғун матнлар ҳам реципиентлар томонидан турлича тушунилади. Ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги бундай номутаносиблик ўзбек психолингвистикасида ҳам алоҳида тадқиқ ва таҳлилга муҳтож.

Адабиётлар:

1. *Аристотель*. Риторика. – Москва: Наука, 1980. – 350 с.
2. *Панов Е.Н*. Знаки. Символи. Языки. – Москва: Наука, 1980. – 180 с.
3. *Кант И.* Антропология с прагматической точки зрения. – Москва: Наука, 1999. – 108 с.
4. *Леонтьев А.А*. Психолингвистика. – Ленинград: Наука,1967. – 118 с.
5. *Маҳмудов Н.* Ўзбек тили луғат бойлиги ривожида фаоллашган жараёнлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015. – № 5. – Б. 3–16.
6. *Форобий А.Н*. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Мерос, 1993. – 96 б.
7. *Маҳмудов Н.* Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015.– № 3.– Б. 3–12.
8. *Нурмонов А*. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 232 б.
9. *Пауль Г*. Принципы истории языка. – Москва: Наука, 1960. – 120 с.
10. *Реформатский А.А.* Введение в языковедение. – Москва: Наука, 1967. – 150 с.

11.*Серебренников Б.О.* О материалистическом подходе к явлениям языка. – Москва: Наука,1983. – 320 с.

12. *Мўминов С*. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол. фанл. докт. ... дисс. – Тошкент, 2000. – 249 б.

13. *Тоҳир Малик*. Шайтанат. 5 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 384 б.

ILINGUISTIC VIEW OF THE WORLD AND SPEECH ACTIVITY

Sh.H. Alpanova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2021. 5(57). 130-138.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: anthropocentrism, communication, interpretation, pragmatics, intention, thinking, perception, sociality, individuality

The article discusses the potential of man to understand, comprehend and perceive the world. The fact that language activity as a social phenomenon is reflected in the influence of the individual, the socialization of language in the speech of the individual is included in the scope of the research. The concept of the dialectic sociality and individuality in speech activity is analyzed. The pragmatic meanings, spiritual, cultural features that emerge in the process of communication and their psychosemantic analysis are given.

Language as a complex system of signs is a mediator between a person's intellectual activity, perception, memory, thinking. Characters included in this system can represent objects and events in the real world in an unlimited way. All language symbols come together to form a separate general landscape in which the speakers of that language live and create something. It is for this reason that people's lifestyles and social status are diverse and differ from each other.

The representation of thinking is language. Consciousness exists in the form of language in practice. At the same time, language and thought are dialectical units rich in complex contradictions. While language is a material phenomenon based on the laws of phonetics and grammar, thinking is an ideal phenomenon as the highest form of reflection of an objective being in the human brain. The form of language manifests its originality in the process of formation of language matter. Language has a sign of stability on the one hand and variability on the other.

Psycholinguistics studies the transmission of certain information to the listener through speech units under certain conditions, the reflection of changes in the speaker's psyche in this passage of speech, the issues of its impact on the listener. Speech reflects morality, speech patterns, specific needs of speech, age and level of the speaker and listener, level of culture, etc., all of which are the source of research in psycholinguistics.

Studies focusing on the text structure of psycholinguistics emphasize that the text structure is consistent with the intended idea. The form and content of the text are related to the psychological characteristics of a particular person who is a participant in a particular communicative situation. Text activity begins after it is created. Sometimes we come across a situation where texts that are well-structured, consistent in form and content are also understood differently by the recipients. Such a disparity between writer and reader also needs a special research and analysis in Uzbek psycholinguistics.

References:

1. Aristotle. (1980) *Ritorika* [Rhetoric]. Moscow: Nauka.
2. Panov, E.N. (1980) *Znaki. Simvoli. Yazyki* [Signs. Symbols. Languages]. Moscow: Nauka.
3. Kant, I. (1999) *Antropologiya s pragmaticheskoj tochki zreniya* [Anthropology from a pragmatic point of view]. Moscow: Nauka.
4. Leont'ev, A.A. (1967) *Psiholingvistika* [Psycholinguistics]. Leningrad: Nauka.
5. Mahmudov, N. (2015) O'zbek tili lug'at boyligi rivojida faollashgan jarayonlar [Activeted processes in the development of Uzbek language vocabulary]. *O'zbek tili va adabiyoti.* No 5. Pp.3-16.
6. Farobi Abu Nasr.(1993) *Fozil odamlar shahri* [A city of noble people]. Toshkent: Meros.
7. Mahmudov, N. (2015) Olamning lisoniy manzarasi va so'z o'zlashtirish [Linguistic view of the world and word acquisition]. *O'zbek tili va adabiyoti.* No 3. Pp. 3-12.
8. Nurmonov, A. (2002) *O'zbek tilshunosligi tarixi* [History of Uzbek linguistics]. Tashkent. Uzbekistan.
9. Paul', G. (1960) *Principy istorii yazyka.* [Principles of the history of language]. Moscow: Nauka.
10. Reformatskij A.A. (1967) *Vvedenie v yazykovedenie* (1967) [Introduction to linguistics]. Moscow: Nauka.
11. Serebrennikov, B.O. (1983) *O materialisticheskom podhode k yavleniyam yazyka.*[On the materialistic approach]. Moscow: Nauka.
12. Muminov, S. (2000) O'zbek muloqot xulqining ijtimoiy-lisoniy xususiyatlari [Socio-linguistic features of Uzbek communication behavior]. Dissertation for getting the degree of candidate of philologicalsciences. Tashkent.
13. Tohir Malik. (2006) *Shaytanat.* [In 5 volume. 1 volume. Satan].Tashkent: Shark.

Муаллиф ҳақида маълумот:
АЛПАНОВА Ширин Ҳакимовна – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Андижон давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти. E-mail: Shirin.adu@mail.ru